O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 25 март, шанба • №23 (11.208) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туман ҳокимлари, вилоят ташкилотлари, республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.***

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Сурхон воҳасини жанубий сарҳадларимизнинг мустаҳкам қалқони, дея таърифлади. Ўтган йили "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланганда, вилоятни нафақат республикамиз, балки бутун жаҳон қайта кашф этганини қайд этди.

Юртбошимиз вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ислоҳотларни ўтказишда сусткашликларга, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини таъкидлади. Кейинги йиллар давомида вилоятда пахта етиштириш режаси сурункасига бажарилмай келмоқда, ҳосилдорлик даражаси ҳам тобора пасайиб бораётир. Ўтган йили "занг" касалига чалингани боис ғалла тайёрлаш режаси эллик тўрт фоизга уддаланди, холос. Бундай қониқарсиз аҳволнинг бош сабаби ислоҳотлар ўтказишда етарлича қатъиятнинг йўқлиги, тадбиркорликка кенг йўл очилмаётганидадир. Бу эса пировард натижада одамларнинг турмуш даражасига салбий таъсир этмоқда.

Президент Ислом Каримов вилоятдаги вазиятни яхшилаш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапирар экан, аввало, кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Вилоят ҳокими Ж. Нораліев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига кўра депутатлар Республика Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Б. Олимжоновни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда сўзга чиққан Шеробод тумани ҳокими А. Лапасов, Термиз Давлат Университетининг ректори Н. Тўраев, "Аёл ва замон" газетасининг бош муҳаррири Ж. Эргашева, Олий Мажлис депутати, "Тафаккур" журналининг бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Э. Аъзамов вилоятдаги ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш учун, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, турли бўғиндаги раҳбарлар, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар ҳамжиҳат ва халқ билан ҳамнафас бўлиб ҳаракат қилиши зарурлигини айтдилар.

***Мусулмон НАМОЗОВ,***
***Чори ТЎХТАЕВ,***
***ЎзА мухбирлари.***





## САҲОВАТЛИ ЭЛНИ ҚУТЛАБ НАВРЎЗ КЕЛДИ...

**Вилоятимизнинг марказий "Дўстлик" ўйингоҳида ўтган Наврўз тантаналари Ватанимизга садоқат, меҳр-муҳаббат, баҳорий гўзалликлар бахш этган қувонч ва ифтихор, санъат ва спорт борасида эришилган ютуқлар намойишига айланди**

Бу мўъжизага қойил қоласан, киши. Кутилмаганда ёққан қалин қорни бир кундаёқ ер ўз бағрига сингдириб, ором топди. Осмонда булутлардан асар ҳам қолмади. Вилоятда қадимий ва навқирон айёмимизни ўтказиш белгиланган кун — 18 март тонги яна ҳам шукуҳли бўлди. Қуёшнинг заррин нурлари замин бағридан бош кўтарган майсалар, ҳаётга янгидан кўз очган бодом, ўрик гуллари, уйқудан уйғонишга шайланаётган бошқа дов-дарахтлар узра ёйилиб, борлиқни чиройга буркади.

Ҳа, ўлкамизга Наврўз келди. Табиат қайта яшарди, одамлар руҳи янгиланди. Қалбларда ажиб бир илиқлик, меҳр, ҳаётга муҳаббат, яшаётган юртимизга ифтиҳор, содиқлик туйғулари жўшди. Бу шодиёна бир олам мазмуни, бой анъаналари билан турмуш тарзимизга файз бахш этди. У фақат азалий удумларимиз, миллий қадриятларимизни кўз-кўз қилиб қолмай, балки мустақиллик йиллари ичида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган ютуқлар, тафаккуримизда рўй бераётган ўзгаришларнинг намойишига ҳам айланди.

Наврўз умумхалқ байрами сифатида дўстлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик тимсоли ҳамдир. Биз вилоятимизнинг марказий "Дўстлик" ўйингоҳида бўлганимизда буни янада яққолроқ ҳис этдик. Бу ерга эрталабданоқ барча шаҳар ва туманлардан меҳнаткашлар кела бошладилар. Улар турли миллат вакиллари. Кўзларида қувонч, табассумли чеҳраларида бугунги ёруғ кунлардан мамнунлик, шукроналик туйғулари мужассам топган бу кишиларни юқоричирчиқликлар мезбон сифатида иззат-икром билан кутиб олдилар. Ташриф буюрганлар орасида нуронийлар ҳам анчагина.

— Аллоҳга минг бора шукур, — дедилар файзли дастурхон устида тенгқурлари билан самимий суҳбат қуриб ўтирган қуйичирчиқлик меҳнат фахрийси Ҳайдар ота Устабоев, — бундай кўркам, бундай қутлуғ дамларга етказганидан беҳад ҳурсандман. Биз кексаларга кўрсатилаётган ҳурматдан бошимиз осмонда. Илоё ҳамиша хонадонимиз тинч, ризқ-рўзимиз бутун бўлсин. Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин.

Худди отанинг шу ниятларини кутиб тургандай, дил сўзларидан кейин ўйингоҳга туташ катта хиёбон узра аввал карнай-сурнай садолари, кейин куй-қўшиқлар янгради. Ўланчилар дўмбираларини сайратиб, айтишувларни авж олдиришди. Рақс давралари кенгайиб бораверди. Шу тарзда халқ сайли бошланди.

Айёмга ташриф буюрганлар Юқоричирчиқ тумани хўжаликларининг "ўтовлари", "Байрам уйлари"да меҳмон бўлдилар. Уста ошпазлар дошқозонларда тайёрлаган ошлардан, Наврўз таомларидан тановул қилдилар. "Вилоятсавдо", "Вилоятматлуботсавдо" компанияларининг туман ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этган кўргазмалар билан танишдилар.

Айниқса, сайилга келганларни мактаб, боғча болаларининг "Она табиат ва биз", "Наврўз таомлари", "Гулларни севинг, ардоқланг" деб номланган кўргазмалари ҳайратга солди. Улар ўқувчилар ва кичкинтойлар қўллари билан яратилган кулолчилик, зардўзлик, каштачилик буюмлари, ёш дурадгорлар ясаган мебеллар жамламалари, уй-рўзғор идишларини, рангли қоғозлардан тайёрланган ҳар хил гулларни, шунингдек уйлар, йўллар, хиёбонлар, истироҳат боғлари макетларини ҳавас билан томоша қилдилар. Ворисларимиз ўткир зеҳнли, меҳнатсевар, изланувчан, юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етаётганликларидан қувондилар.

Кўргазмалардан бирида мактаб интернатлар ўқувчилари тайёрлаган "Наврўз — меҳр-мурувват байрами" деворий газетаси ҳам қатнашчиларнинг эътиборини ўзига тортди. Унда вилоятимизнинг қатор шаҳар ва туманларида меҳрибонлик, саҳоват уйларига, интернатларга кўрсатилган ҳайрия ёрдамлари ҳақида ҳикоя қилинган, ҳомийларга миннатдорчилик билдирилган эди.

Чиндан ҳам бу йилги Наврўз муносабати билан вилоятимизда савобли ишлар кўлами кенгайди. Айём арафасида 60 мингдан кўпроқ ногиронлар, қаровчисиз қариялар, ночор оилаларга ёрдам кўрсатилди. Қатор ногиронлар дам олиш уйлари, санаторийларга йўлланмалар билан таъминландилар. Бу хайрли ишларга Ангрен, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Тошкент, Қибрай, Янгийўл туманлари муносиб ҳисса қўшдилар. Байрам олдидан бошланган ана шу тадбирларда "Вилоятсавдо", "Вилоятматлуботсавдо" компаниялари ҳам фаол иштирок этдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2000 йил Наврўзи ви-

***(Давоми 2-бетда).***

## ҚИБРАЙДА ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

***Одамларга меҳр-мурувват, ҳайру-саховат кўрсатиш саховатпеша инсонларнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббускорликлари туфайли амалга ошади. Бу борада Қибрай туманида ҳар йили ҳайрия марафонларини ўтказиш анъанага айланиб бораётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Куни кеча туман ҳокимлигининг мажлислар залида Наврўзи олам ва "Соғлом авлод йили"га бағишланган яна бир ҳайрия марафони бўлиб ўтди.***

Бу тадбирни бошқарган туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати Мирзамашраб Кўччиев йиғилганларга ўтган йили ўтказилган марафон ҳақида шунингдек, ана шу тадбирдан тушган маблағларнинг кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган фахрийларни қўллаб-қувватлашга, бахтсиз ходисалар туфайли азият чеккан кишиларга ҳамда иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга сарфланганини сўзлаб берди.

Шу куни ўтказилган марафонда тумандаги барча хўжаликлар, муассаса ва ташкилотлар, фермер ва тадбиркорлар иштирок этишди. Туроб Нормуҳамедов номли, "Бурота", "Байтқўрғон", "Истиқлол" ширкат хўжаликлари жамғарма ҳисобига 1,5 млн сўмдан, Лимончилик жамоа хўжалиги, Шароф Рашидов номли ҳиссадорлик жамияти 2 млн сўмдан маблағ ўтказганликлари маълум қилинди.

Вилоят йўловчиларни ташиш автокорхонаси мутасаддилари эса "Роҳат" футбол жамоасини мавсум давомида автобус билан таъминлашни ўз зиммаларига олдилар. Шунингдек, Тошкент тиббиёт-техника корхонаси туман марказий шифохонасига чет элда ишлаб чиқарилган тиббий анжомларни совға қилдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу йилги марафондан тушган маблағ 32 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳайрия марафонида вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ.***

*Акс садо*

## ҚОҒОЗДА ПУДРАТЧИ, АМАЛДА ЭСА...

***ГАЗЕТАМИЗНИНГ шу йил 15 март сонида чоп этилган "Мулк шакли ўзгарди, лекин..." сарлавҳали мақолада жамоа хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантириб, меҳнатнинг оила пудрати усулини тўла жорий этишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар хусусида фикр-мулоҳаза юритилган эди. Ушбу мақола жойларда кучли акс садо берди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, фермер ва оила пудрати бошлиқларидан таҳририятимизга кўплаб хатлар кела бошлади. Қуйида ана шу мактублардан дастлабкисини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

1999 йили "Ачамайли" ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи сифатида 22 гектар ерни 10 йил муддатга олган эдим. Лекин, афсуски, олишга олиб, энди бу ниятдан қайтмоқчиман. Нега десангиз, ҳар гектар ердан 44 центнердан буғдой, 27 центнердан пахта ҳосили олиб, барча кўрсаткичлар бўйича шартнома режаларини ортиғи билан бажардиму, ҳеч қандай фойда кўрмадим. Чунки, ширкат хўжалиги барча сарф-харажатни бизнинг ҳисобимизга ёзиб, умумий даромаднинг 45 фоизини ўзига олибди ва йил якунига келиб, ҳамма томонини текислаб қўйибди.

Яқинда шартномани тайёрлаб, идорага чақиришди. Шартномада ёзилишича, даромаднинг 15 фоизини иш ҳақи учун ажратишибди. Буғдойнинг режасини 42 центнердан қилиб белгилашибди. Режадан ортиқчасининг 70 фоизи натура ҳолида бозор нархида берилсин, деб ёзиб қўйишибди. Ўзимиз ишлаб, ўзимиз етиштириб, ортиқча маҳсулотни яна бозор нархида сотиб оладиган бўлсак, бозордан ҳам олаверамиз-ку!

Жамоа хўжалигидан ширкат хўжалигига ўтиш чоғида даромаднинг 30 фоизини хўжалик фойдасига олиш тўғрисида келишилган эди. Бу йил эса 45 фоизга чиқариб қўйишибди. Бош иқтисодчидан "шартномани нега бундай қилиб туздинглар?" деб сўрасак, "буни туман раҳбарлари тузишган" дейди.

Ўтган йили хўжалигимиз пахта режасини уддаламади. Айрим бригадалар эса буғдойдан 24-25 центнердан ҳосил олишди. Мен 1955 йилдан шу хўжаликда механизатор, 1973 йилдан буён эса бригада бошлиғи бўлиб ишлаб, ҳар йили пахтадан 38-40 центнердан ҳосил олиб келганман. Энди мен ҳам фермер бўламан, айримларга ўхшаб яхши ишлайман, десам, турли тўсиқлар бор экан. Бир ёнимда 40 гектар, иккинчи ёнимда 102 гектар ерда деҳқончилик қилаётган фермерлар бор. Ҳамма кўрсаткичлари яхши. Одамларига буғдой, ёғ, картошка ва бошқа маҳсулотлар беришди. Биз режаларимизни бажарган бўлсак-да, хўжалик бажармагани учун ҳеч нарса ололмадик. Бундай аҳволда оилавий пудратга қизиқиш бўлармиди.

Оилавий пудратчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари нималардан иборат ўзи?

Ахир биз ҳам қизиқиш билан ишласак, ўзимиз етиштирган маҳсулотимизга ўзимиз эгалик қилсак, деган умид билан яшаяпмиз. Бу ниятимиз қачон рўёбга чиқади?...

***Абдужаббор АБДУСАТТОРОВ,***
***Бўка туманидаги "Ачамайли" ширкат хўжалиги.***

*Муносабат*

## ТУТ – ПИЛЛА – ИПАК – БОЙЛИГИМИЗ

***ҚЎҲНА тарихимиз гувоҳки, шоҳи-ипак қадим-қадимдан бой-бадавлат кишилар либоси бўлиб келган. Буюк ипак йўлининг зоҳир бўлиши ҳам пиллачилик, ипакчилик билан боғлиқ. Демак, пиллачилик — бойлик манбаи.***

ЛЕКИН, афсуски, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг ушбу сердаромад соҳасига эътибор сусайди. Илгарилари тут дарахтини кесиш жиноят ҳисобланган бўлса, кейинчалик катта-катта тутларни қўпориб ташлаш, тутзорларни йўқотиш оддий ҳол бўлиб қолди. Вазирлар Маҳкамаси бундай ўзбошимчалик ва масъулиятсизликка чек қўйиш мақсадида "Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Ушбу муҳим ҳужжатда таъкидланганидек, бундан кутилаётган асосий мақсад пиллачиликнинг ҳозирги мавжуд озуқа базасини тўла сақлаб қолган ҳолда тут қаторларини янада кўпайтириш, тутзорларни кенгайтириш ва шу асосда етиштириладиган пилла ҳажмини кескин оширишни таъминлашдир. Шу мақсадларда барча вилоятлардаги пилла етиштирувчи хўжаликларга 2005 йилгача ўз маблағлари ҳисобидан янги тут қаторлари ва тутзорлар барпо этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Бундан буён ҳар бир хўжалик учун пилла етиштириш режалари барпо этилажак ана шу тут қаторлари ва янги тутзорларда кўчатлар амал олиб, кўкариб кетиши назарда тутилган ҳолда белгиланадиган бўлади.

Масаланинг бундай тарзда қўйилиши бежиз эмас. Биргина бизнинг вилоятимизда кейинги бир йилнинг ўзида ҳеч қандай сабабсиз қарийиб 150 гектар тутзор йўқ қилинди, бир миллион тупдан зиёд тут қаторлари қўпориб ташланди. Жумладан, Ўртачирчиқ туманида 373 минг туп тут дарахти, 33 гектар тутзор камайди. Бўка ва Чиноз туманларида 200-250 минг туп тут кесилиб кетди, 13-14 гектар тутзор бузиб ташланди.

Пиллачиликнинг орқага кетишига яна бир сабаб, кейинги йилларда тут қаторлари ва тутзорларга умуман қаралмай, ишлов берилмай, озиқлантирилмай қўйилганлигидир. Оқибатда тут дарахтларидан режадаги баргнинг эллик фоизи ҳам олинмаяпти. Жумладан, бир гектар тутзордан ўртача 6-7 тонна ўрнига Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Чиноз туманларида бор-йўғи 1,8-2,6 тонна, ҳар туп тутдан 4-5 килограмм ўрнига Бекобод, Оҳангарон, Қуйичирчиқ туманларида 1,3 килограмм барг олинмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг янги қарорида бундай нохуш ҳолларга чек қўйиш мақсадида аниқ кўрсатмалар берилди. Чунончи, жойлардаги мавжуд тутзорлар ва тут дарахтларининг тўла сақланиши ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларига нисбатан талабчанлик янада кучайтирилди. Бугина эмас, балки Ўзбекистон Республикаси давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Ўзбек ипаги" уюшмаси билан келишмай туриб, тут дарахтларининг ҳеч қандай асоссиз қўпориб ташланишига йўл қўйган раҳбарлар ва шахсларни жавобгарликка тортиш аниқ белгилаб қўйилди.

Бу йил вилоятда 21 минг 650 қути ипак қурти уруғини парваришлаб, 1050 тонна пилла етиштириш режалаштирилган. Бунинг учун 1622 гектар тутзор ва 9 миллион 900 минг тупга яқин тут қаторлари мавжуд. Бироқ режадаги пилла ҳосилини олиш учун бугунги кунда, айниқса, тутзорларга ишлов беришга эътиборни кучайтириш лозим. Иккинчидан, қарорда таъкидланганидек, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш учун, жумладан, Тошкент вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутзорларини "Пилла-холдинг" компаниясининг туман пилла тайёрлаш ва уни қайта ишлаш корхоналарига тажриба тариқасида узоқ муддатга ижарага беришдан ташқари, "Ўзбек ипаги" уюшмасига пиллачилик хўжаликлари ерларида тут дарахтлари экиш ҳуқуқи берилди.

Вилоятда бу йилги кўклам ва куз мавсумларида жами 700 минг туп тут кўчатлари экиш режалаштирилган. Ҳозиргача эса, 50 минг туп экилди. Эндиги вазифа бу ишни тезлаштириш билан бирга экилган кўчатларнинг юз фоиз кўкаришини таъминлаш чораларини кўришдан иборатдир. Сир эмас, ҳар йили тут кўчатлари экилади-ю, кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Оқибатда 32-35 фоиз кўчат амал олиб, қолган учдан икки қисми қуриб, нобуд бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бундан буён пилла етиштирувчи хўжаликлар аввал "Ўзбек ипаги" уюшмасининг пилла тайёрлаш ва пиллакашлик корхоналари билан тузилган шартномавий мажбуриятларни бажарадилар. Шундан сўнггина уларга ички бозорда пилла сотишга рухсат этилади.

Вилоят "Пилла" акциядорлик жамиятининг туман ташкилотлари хўжаликлар билан шартнома тузиш жараёнини ниҳоясига етказмоқда. Бугунги кунгача 870 тонна пилла етиштириб бериш юзасидан шартномалар тузиб бўлинди.

Бир сўз билан айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг қарори пиллакорлар орзиқиб кутган, улар учун кўпгина қулайликлар яратиб берадиган, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирадиган муҳим ҳужжат бўлди. Янги қарорнинг вилоятимизда пиллачиликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

**• ОЛМАЛИҚ шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан "Ҳаёт она алласидан бошланади" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унда шаҳардаги махсус ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактабларининг ўқитувчи-ўқувчи жамоалари қатнашдилар. Улар алла айтиш, театрлаштирилган турли саҳна кўринишларини намойиш этиш, миллий урф-одатларимизни билиш соҳасида беллашдилар. Мазкур шартларга пухта ҳозирлик кўрган 15-касб-ҳунар мактаби вакиллари кўрик-танловнинг бош совринини қўлга киритишди. Қолган жамоаларга ҳам қомийларнинг эсдалик совғалари торширилди.**

• ОҚҚЎРҒОН туманидаги "Иқбол" фуқаролар йиғини фаолларининг қарорига биноан, шу маҳаллада яшовчи жамоат ишларида фаол, яхши хулқли ва аълочи ўқувчи ёшларни рағбатлантириш мақсадида стипендия ташкил этилди. Минг сўмдан иборат бу рағбатлантирувчи мукофот ўқув йилининг ҳар чорагида якунланиб, ғолиб ўқувчи мукофотланади.

**• Республика мусиқачиларини тарбияловчи мактаб-интернатда "Соғлом авлод йили"ға бағишлаб ёш ижрочилар мусиқий кўрик-танлови ўтказилди. Тўрт кун давом этган танловда 62 нафар ёш мусиқачилар дамли ва зарбли чолғу асбобларида турли-туман мусиқаларни ижро этиш маҳорати бўйича беллашдилар. Кўрик-танлов натижалари ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланиб, голиблар аниқланди.**

• БЎСТОНЛИҚ туманининг Бурчмулла қишлоғида қатор болалар оромгоҳлари жойлашган. Ўзбекистон Фанлар Академияси олимлари фарзандлари учун хизмат қилаётган болалар оромгоҳида янги мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Академияга қарашли "Бурчмулла" пансионати қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Сўлим гўшада қад кўтараётган бу шифобахш даргоҳ ўзининг бир нечта коттежларига ҳам эга бўлади. Ҳозирнинг ўзида улардан тўрттаси қуриб битказилди.

**• "НАВРЎЗ" хайрия жамғармаси Оққўрғон туман бўлимининг ташаббуси билан хайрия концерти уюштирилди. Туман маданият уйида бўлиб ўтган бу тадбирни юзлаб оққўрғонликлар томоша қилдилар.**

**Концертда ёш истеъдодли хонанда Анваржон Санаев бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар ўзларининг замонавий куй ва қўшиқлари билан томошабинларни хушнуд этдилар. "Қизиқчи-97" кўрик-танлови ғолиби бўлган Зокиржон Умаров ичакузди ҳангомаларини ижро этиб, залдагиларнинг олқишларига сазовор бўлди.**

**Концертдан тушган маблағнинг ҳаммаси хайрия тадбирларига сарфлаш учун ажратилди. У тумандаги ночор ва кам таъминланган оилалар, туғма ва меҳнат ногиронлари, етим-есирларга тарқатилади. Томошабинлар хожатбарор санъаткорларга миннатдорчилик билдирдилар.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

# САХОВАТЛИ ЭЛНИ ҚУТЛАБ НАВРЎЗ КЕЛДИ...

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

лоятимизда бунёдкорлик ишлари авж олган бир паллада нишонланди. Икки байрам оралиғида кўплаб уй-жойлар қурилди, 300 дан ортиқ маиший хизмат шоҳобчалари, ўнлаб хусусий дўконлар, ошхоналар ишга тушди. Қишлоқларда 12та қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар барпо қилинди. Табиий газ ва ичимлик суви тармоқлари кенгайди. Маърифий-маънавий соҳаларда ҳам ижобий ўзгаришларга эришилди. Битта академик лицей, 8та касб-ҳунар коллежлари қад кўтарди.

— Биргина бизнинг ҳудудимизда, — дейди Паркент тумани ҳокимининг ўринбосари Ҳожимурод Эрматов, — ўтган йили 4та мактаб, бахт уйи, 3та қишлоқ врачлик пункти, 3та маъмурий бино фойдаланишга топширилди. Айём арафасида қишлоқлардаги ички йўллар таъмирланди. Хотира ҳиёбони кўркамлаштирилди. "Қуёш" қўрғони аҳолисини Кумушкондаги "Обикон" булоқ суви билан таъминлаш учун қувурлар ётқизиш бошлаб юборилди.

Яратувчилик ишлари Зангиота, Тошкент, Қибрай туманлари, Бекобод шаҳрида ҳам жадал бормоқда. Бир сўз билан айтганда катта байрамга катта ҳозирлик кўрилди. Буларни қутлуғ кунларда эътироф этиш қувончлидир.

... Соат 12.00. Байрам шодиёналари ҳиёбондан "Дўстлик" ўйингоҳига кўчди. Бугун ўзгача файзга кирган бу даргоҳ 10 мингга яқин иштирокчини ўз бағрига олди. Майдонда вилоят маданият муассасаларининг кўплаб бадиий дасталари, республикамизнинг таниқли санъаткорлари билан учрашдик. Улар бундай байрамни ташкил этганлардан беҳад мамнун эдилар...

Ўйингоҳ узра "Баҳор таронаси" янгради. Жўшқин, оромбахш бу куй вилоят шаҳар ва туманларидан келган қирқ кокилли қирқ нафар қизларни ром айлаб, рақсга чорлади. Ўзбек, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, татар ва бошқа миллатларга мансуб бўлган бу гўзаллар бошлари узра турфа гулларни ўйнатиб, санъатларини намойиш этдилар. Кейин "Наврўз келадур" қўшиғига юзлаб томошабинлар жўр бўлишди. Бу чиндан ҳам жозибали, дилрабо, энг нозик, нафис туйғуларни уйғотувчи куй илҳомбахш ҳам эди. Уни тинглар эканмиз, ўша ондаёқ қўшиққа ҳамоҳанг бўлган сатрлар дилимиздан қоғозга кўчди:

*Истиқлолдан кулди бизга*
*иқбол қуёши,*
*Эрк қўшиғи учмоқда, ҳей,*
*тоғлардан ошиб,*
*Ватан мадҳин куйлагаймиз*
*илҳомлар тошиб.*
*Ўзбек эли ўзлигини кўз-кўз*
*қиладур,*
*Юртимизга ризқ улашиб*
*Наврўз келадур.*
*Наврўз келадур.*

*Табиатнинг либосида минг*
*жило, минг ранг*
*Бўстонидан таралади*
*мастона оҳанг,*
*Шу куй дилни ром айлади,*
*сеҳрини қаранг,*
*Юракларга малҳам бўлиб,*
*бир сўз келадур,*
*Саховатли элни қутлаб*
*Наврўз келадур,*
*Наврўз келадур.*

Бошдан оёқ нафислик билан йўғрилган қўшиқ қанотида юртимизга бўлган меҳр, миллий қадриятларимизга ҳурмат жилоланиб, парвоз этди ва вужудларга ором бағишлади.

Истиқлол йиллари ичида Наврўз санъат ва спорт байрами сифатида ҳам мазмунан бойиди. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтадиган тадбирлар дастуридан кураш, футбол, арқон тортиш, от билан тўсиқлардан сакраш каби турли ўйинлар мусобақаларини ташкил этиш одат тусига кирди.

Ўша куни ҳам санъаткорлар бахш этган қувонч, олий лига командалари ўртасидаги миллий чемпионатнинг очилиш мавсуми шодиёналари билан уйғунлашиб кетди. Бу маросим олдидан вилоят ҳокими У. Мирзақулов иштирокчиларни самимий қутлади.

— Азизлар, — деди Уммат Маматқулович, — мустақиллик шарофати билан ҳамма тадбирларимиз сермазмун ўтмоқда.

Наврўз — Янги кун, йилнинг бошланиши. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида унинг нафаси сезилмоқда. Бир неча кундирки, жойларда меҳр-мурувват, қувонч ва яшариш байрами бошланиб кетган. Энг муҳими бу умумхалқ тантаналаридан ҳеч ким четда қолмаяпти.

Вилоят ҳокими ўтган йили республика чемпиони бўлган "Дўстлик" футболчиларига янги мавсумда омадлар тилади ва спортнинг барча соҳалари бўйича 1999 йил якунига кўра юксак кўрсаткичларга эришган шаҳар ва туманларни тақдирлади. Хусусан, Чирчиқ шаҳри — биринчи, Ангрен — иккинчи, Олмалиқ — учинчи, туманлар орасида Оққўрғон — биринчи, Бўка — иккинчи, Юқоричирчиқ — учинчи ўринларни эгаллаб фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Вилоят ҳокими чемпионатни очиқ деб эълон қилди. Мадҳиямиз янграб, республикамиз байроғи кўтарилди.

Ҳаяжонли дамлар... Саф тортиб турган "Дўстлик" жамоаси аъзоларининг нигоҳига разм солдик. Уларда қатъият ва қандайдир ички ғурур мужассам эди. Фурсатдан фойдаланиб, команда мураббийси Л. Остроушкони суҳбатга тортдик.

— Мавсумга пухта ҳозирлик кўрдик, — деди Леонид Константинович, — ёғин-сочиндан ҳоли кунларда командамиз тинимсиз машқ қилди. Ҳомийлар ҳамиша қўллаб-қувватлашмоқда. Энди бугунги рақибимиз — "Зарафшон"нинг "Қизилқум"и ҳақида шуни айтишим кеаракки, у анойилардан эмас. Ана шуни ҳисобга олиб, масъулият билан ўйин бошлаяпмиз. Мақсадимиз битта: фақат ғалаба. Байрамга йиғилганлар қувончига-қувонч қўшиб, уларнинг ишончини оқлашдир.

Дарҳақиқат, ишонч оқланди. Ўйиннинг иккинчи қисмида Нуъмон Ҳасанов ва Фарид Хайрулинлар рақиб дарвозасига киритган тўплар ишқибозларнинг "Дўстлик"ка бўлган ихлоси ва ҳурматини оширди.

Умуман, Наврўз вилоятимизнинг футбол мухлислари учун ҳам катта шодиёнага айланди. Шу куни олий табақада вилоятнинг 4та жамоаси куч синашди. Натижалар қуйидагича: "Дўстлик" — "Қизилқум" — 2:0, "Металлург" — "Турон" — 0:0, "Семурғ" — "Нефтчи" — 2:1, "Кимёгар" — "Бухоро" — 2:2.

... Соат 18.00. Анчадан буён "Дўстлик" ўйингоҳи одамларнинг бундай шодликларига гувоҳ бўлмаган бўлса керак. Улар кун бўйи қалбларга қувонч бағишлаган бу манзилдан кайфиятлари чоғ, диллари янги ниятлар, орзуларга тўла ҳолда қайтдилар.

***Саидвали ҲАСАНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***




*Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.*




# ЁШУ ҚАРИ БАРОБАР ХУРСАНД

***Зангиота туманидаги исми жисмига монанд "Иттифоқ" маҳалласи куни кеча шодиёналар оғушида қолди. Бу ердаги 844 хонадонда истиқомат қиладиган 5600дан зиёд аҳоли Наврўзни муборакбод этдилар. Тўкин дастурхон атрофидан жой олган маҳалла аҳлини фуқаролар йиғини раиси Абдулазиз Абдумаликов қутлаб, шундай деди:***

— Мустақиллигимиз шарофати билан мана, тўққизинчи йил қадимий ва навқирон байрамимиз тантанасига йиғилдик. Наврўз деганда, мен аҳилликни, бирликни, ҳамкорликни, бири-бирига бўлган меҳрибонликни тушунаман. Шукурлар бўлсинки, мана шу хислатларнинг ҳаммаси бизнинг маҳаллада мужассам.

Дошқозонларда сумалак қайнатаётган аёллар — Муножот Рихсиева ва Зулхумор Одилова ижро этган қадимий қўшиқларга ёш-яланглар жўр бўлдилар. Қозонни кавлаган ҳар бир аёл, ҳар бир қиз ўзининг энг эзгу истакларини изҳор этди. Шу куни тўйга мутасаддилик қилган маҳалла йиғини раиси муовини Озодахон Жабборова лабидан асал томиб деди:

— Наврўзимизни ҳар йили қўшалоқ байрам қилаяпмиз. Ўтган йили "Аёллар йили"ни олқишлаган эдик. Бу йил "Соғлом авлод йили"ни тантана қилмоқдамиз. Авлодимиз нафақат жисмонан, балки маънан ҳам соғлом бўлишида мана шундай қадимий байрамларимизнинг аҳамияти жуда катта.

Наврўз азал-азалдан қадр-қиммат айёми деб эъзозланиб келинади. Маҳалланинг тўқсон ёшга кирган онахонлари Қундуз ая Мажидова, Салтанат ая Сирожева, Тўхта ая Дадабоева ва бошқаларнинг қилган дуоларига йиғилганлар сидқидилдан қўл очдилар.

Шу куни Баҳодиржон Зикриллаев ўзининг дилбар хонишлари билан барчанинг дилини хушнуд этди.

Маҳаллада Наврўз байрами то қош қорайгунча давом этди.

***Зарема САЛИМОВА.***
***Суратларда: маҳалладаги байрамдан лавҳалар. Дилшод Аҳмад олган суратлар.***

# ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

"ОҲАНГАРОНШИФЕР" ҳиссадорлик жамияти билан Тошкент давлат кимё-технология институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Унга мувофиқ олий ўқув юртида малака ошириш курслари очилди.

Ноорганик моддалар ва электрокимё ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича уюштириладиган курс машғулотларига корхона мутахассислари, муҳандис-техник ходимлари жалб этилади. Улар бу ерда ўз малакаларини оширадилар.

***А.АКБАРОВ***

*Ислоҳот одимлари*

# УЛАР МИЖОЗ ИЗЛАМАЙДИЛАР

***"Ўздеҳқончиликмахсусқурилиш" республика трестининг бўлинмаларидан бири — "Достон" корхонаси, асосан пойтахт вилоятида фаолият кўрсатмоқда. У шаҳарлар ва туманлар марказларида ичимлик сув, канализация тармоқлари, зовурлар қураяпти, кенг кўламда ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда. Трест бошқарувчиси Анвар Расулхўжаевнинг сўзларига қараганда, бу ихтисослашган кўчма жамоа корхонаси ўзига ўхшаш ташкилотлар ўртасида энг яхшиси ҳисобланади.***

Корхона ўтган йилги қурилиш монтаж ишлари режасини муваффақиятли адо этди. Ишга туширилиши назарда тутилган барча муҳим иншоотларни фойдаланишга топширишга эришди. 2000 йилни ҳам яхши бошлади. Буюртмалар салмоғи анча бой. Қурилиш учун асосий буюртмалар қишлоқ жойлардаги корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва тижорат тузилмаларидан тушмоқда.

Кўчма колонна жамоаси республикамиз пойтахтида ҳам муайян бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда. Қатор республика миқёсидаги муассасалар ва ташкилотлар унинг хизматидан фойдаланишаяпти. Улар орасида божхона қўмитаси, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзавтойўл" корпорациялари, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси ва бошқалар бор.

Жамоа бундай катта ишончга барча бунёдкорлик ишларини кўнгилдагидек бажариши туфайли эришмоқда. Ўзи эса Юқоричирчиқ туманининг Ийкота қишлоғида жойлашган.

— Бозор иқтисодиёти шароитида доим мижоз топиш лозим, — дейди корхона бошлиғи Абдумажид Ғафуров. — Биз ҳам шундай қиламиз, лекин кейинги вақтларда бизни излайдиган ҳам бўлиб қолдилар. Барча шартномаларни вақтида бажаришимиз бунинг омили бўлмоқда. Ҳар қандай шароитда ҳам шунга ҳаракат қиламиз. Корхонамизнинг ишлаб чиқариш базаси ҳам чакки эмас. Етарли миқдорда қурилиш техникаси, ишлаб чиқариш корхоналаримиз бор.

Ҳақиқатдан ҳам бу ерда етарли техника воситалари бўлиб, уларни механизаторлар бошқаришади. Экскаваторлар, бульдозерлар, қувур ётқизгичлар, йўл текислагичлар, кранлар, пайвандлаш агрегатлари, автоюктуширгичлар ва бошқа техника воситалари доим ишга шай ҳолда сақланмоқда. Ёз ойларида улар икки сменада ишлатилаяпти.

Корхонада 7 та иш юритиш учкасткалари ташкил этилган. Уларга барча касбдаги бинокорлар жалб қилинган. Қурувчиларнинг малакаси мунтазам ошириб борилади, уларга илғор иш усуллари ўргатилади.

Иш юритиш участкалари жамоалари вилоят ва пойтахтдаги қатор бунёд этилаётган иншоотларда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Байдулла Ёшмуродов раҳбарлигидаги бригада аъзолари Пскент шаҳрида ичимлик сув тармоқларини, насос станцияси ва резервуарларни монтаж қилиш билан боғлиқ ишларни барвақт уддаладилар. Худди шундай иншоотлар респубилкамиз пойтахтининг Мирзо Улуғбек туманида Талъат Жакубоев бош бўлган бригада томонидан бажарилмоқда. Марат Қорабоев раҳбарлик қилаётган жамоа эса, Тошкент — Чимён автомобиль йўлининг бир қисмини қайта қурмоқда. Бўстонлиқ туманидаги Сойлиқ қўрғонида 10 километр узунликдаги канализация коллектори фойдаланишга топширилди. Бу ишни Аҳмад Романов бригадаси муваффақиятли уддалади.

Бунёдкорлар Тошкентда "Янги замон" қўшма корхонаси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг спорт мажмуаси каби йирик иншоотларда ҳам баракали ишламоқдалар.

Корхонада меҳнат вахта усулида ташкил этилганлиги ҳам иш кўрсаткичлари яхшиланишига ёрдам бермоқда. Ҳар бир смена 15 кун давомида кунига 12 соатдан ишлайди ва кейинги ярим ой давомида дам олади. Вахтада ишлаётганлар корхона ҳисобидан овқатлантирилади. Уларнинг яшаши, унумли меҳнат қилиши учун барча қулай шароитлар яратиб берилган. Бутун бир асфальт-бетон заводи барпо этилган. Бинокор қўрғонига жойлашган бу корхонада асфальт, бетон, йиғма темир-бетон буюмлари, қум ва шағал тайёрланади.

— 1999 йилдаги ишимиз якунлари чакки бўлмади, — деб ҳикоя қилади А. Ғафуров. — Қурилиш-монтаж ишлари назарда тутилгандан анча ортиқ бажарилди. Олинган соф фойда 10 миллион сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Унинг 60 фоизини ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш учун сарфлашни мўлжаллаб турибмиз. 2000 йил иш режасини шакллантиришни барвақт бошлаган эдик. Мижозлар билан тузилган шартномалар ҳажми бу йил давомида ҳам бир маромда иш олиб боришимиз учун имкон беради. Жамоамиз уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ тиббиёт пунктлари, коллежлар ва бошқа иншоотлар қурилишида, шунингдек, қатор муҳандислик тармоқларини барпо этишда қатнашади.

***Икром АҲМЕТОВ.***

# "УЛУҒБЕК ЮЛДУЗЛАРИ"

Буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллуд топган кунга 606 йил тўлди. Шу муносабат билан республика Киночилар уйида "Улуғбек юлдузлари" мавзуида хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий Университет, "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси ташкил этган бу тадбирда пойтахтимиз олий ўқув юртларининг талаба ёшлари, ўқитувчилари, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Абдулла Орипов, Одил Ёқубов, Улуғбек жамғармаси бош директори Аброр Ҳазратқулов кечада сўзга чиқиб, буюк алломанинг авлодларга қолдирган бой илмий мероси, маънавиятимиз тарихида тутган юксак ўрни ҳақида гапирдилар.

Улуғбек номидаги жамғарма бобокалонимиз таваллуд кунига бағишлаб "Келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз" мавзуида энг яхши иншо ва рефератлар кўрик-танловини эълон қилган эди. Кечада танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

***(ЎзА).***

# ОСУДА ҲАЁТИМИЗГА РАҲНА ТУШМАЙДИ

Куни кеча саҳоватпеша халқимиз муборак Қурбон ҳайити ва она заминимизга ташриф буюрган эзгулик, покланиш ва янгиланиш айёми — Наврўзи оламни кенг нишонладилар. Айни пайтда байрам кунларини ўз хизмат жойида зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, сергаклик ва ҳушёрлик билан ўтказганлар ҳам бор.

Хусусан, вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан байрамларни нишонлаш вақтида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Барча шаҳар ва туманларимизда жорий йилнинг 10 мартидан 20 мартига қадар кенг қамровли "Тозалаш" профилактик тадбири ўтказилди.

"Тозалаш" тадбирини юқори савияда амалга ошириш борасида бошқарма бошлиғининг муовинлари, мустақил бошқарма ва бўлим бошлиқлари таркибидан тезкор девон тузилди. Оҳангарон ва Бекобод ҳудудларида "Маҳалла посбонлари" ҳамда милиция ходимлари иштирокида чегара масканлари ва блок-постларда назорат кучайтирилди. Бу эса вилоят ҳудудида турғун вазиятни барқарорлаштиришга, содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар сонининг камайишига олиб келди. Очилмай қолган жиноятлар сони шу ўн кун мобайнида 27тадан олтитагача камайди. Улардан биттаси қотиллик ва бештаси ўғрилик жиноятларидир. Жумладан, Қуйичирчиқ туманида ниқоб кийган номаълум шахслар "Қизил шарқ" қишлоғида яшовчи Р. Убайдуллани қўрқитиб, уйига бостириб киришган. Унинг қўл-оёғини боғлаб, ошпичоқнинг сопи билан боши ва юзига уриб, 100 минг сўм пулини олиб кетишган. Олиб борилган тезкор чора ва тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Янгийўл туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Муҳаммад, Н. Абдуқаҳҳор, Ш. Иван ва К. Германлар содир этганликлари аниқланиб, жиноятчилар қўлга олинди ҳамда улардан "ПМ" русумли тўппонча, ўқдон ва етти дона жанговар ўқлар мусодара этилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши

*«Тозалаш» тадбири амалда*

олдини олиш, турли хил йўллар билан ташиш, героин, опий каби оғуларни сотиш, республикамиз ҳудудидан олиб ўтиш билан боғлиқ бўлган 13та жиноят фош этилиб, жиноятчилардан 35770 грамм гиёҳванд моддалари тортиб олинди. Шунингдек, Бекобод туманида тожикистонлик фуқаро Р. Нарзулла "Ойбек" ДАН масканида тўхтатилиб текширилганида, унинг ёнидан 152 грамм героин гиёҳванд моддаси олинди.

Тадбир давомида фуқаролар яшайдиган хонадонлар дала-ҳовлилари текширилиб, паспорт қоидаларига амал қилинмаганлиги учун 2120 нафар ҳуқуқбузар фуқаролар аниқланиб, уларнинг 1692 тасига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Вилоят ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйларнинг ертўла ва чордоқлари текширувдан ўтказилиб, темир панжара ва эшиклар ўрнатиш чоралари ҳам кўрилди. Шунингдек, бошқа вилоятлардан келиб, турли ишлар билан шуғулланиб юрган шахслар аниқланиб, ўз яшаш жойларига қайтариб юборилди. Ички ишлар идоралари ҳисобида турган хавфли жиноятчилар, маъмурий назоратда турганлар ва муқаддам судланганларнинг турмуш тарзи яшаш ва иш жойларида мунтазам равишда текширилиб, хабар олинди. Олиб борилган мазкур тадбирлар давомида кўплаб маъмурий баённомалар тузилди. Ов қуролларини сақлаш қоидаларини бузганлиги учун 258 нафар фуқаролар ихтиёридаги ўқотар қуроллар мусодара қилинди.

Вилоятимизнинг чегара ҳудудларида ўтказилган тадбирлар давомида республикамиздан товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича 135та ҳолат аниқланиб, 6 миллион 508 минг 469 сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинди.

"Тозалаш" тадбири республикамизда ўтаётган ҳаракатланиш хавсизлиги ойлиги билан чамбарчас ҳолатда амалга оширилди. Фуқаролар ўртасида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этиш мавзусида плакатлар, шиорлар ва қўлланмалар тайёрланиб, жойларга тарқатилди. Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан шу йил март ойининг 20 кунида 24 минг 965та қоидабузарлик аниқланди. "Тозалаш" тадбири жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди. Зеро, ўтказилган бундай тадбирлар ҳар бир кунимизнинг осуда ва бехавотир, тинч ўтишининг гаровидир.

***Ш. УМАРХОНОВ,***
***вилоят ИИБ ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.***

# ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

**МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР**

## Воқеалар тўлқинида

• АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Билл Клинтон Ҳиндистонга сафар қилди. У бош вазир Атал Бихари Важпаи билан музокараларда икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтариш муаммолари хусусида фикр алмашди.

• БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси яқин кунлар ичида Женева шаҳрида ўзининг навбатдаги сессиясини ўтказади.

• НАТО уюшмага қўшилишни истаган давлатлар билан музокаралар бошлашга тайёр. Шу мақсадда айни кунларда бир неча учрашувлар амалга оширилаётир.

• ОЗАРБАЙЖОН президенти Ҳайдар Алиев икки кунлик расмий ташриф билан Грузияга келди. У сафар давомида олий даражадаги қатор давлат арбоблари билан учрашиб, бир неча ҳужжатларни имзолади.

• ПОКИСТОННИНГ собиқ бош вазири Навоз Шариф устидан бошланган суд жараёни давом этмоқда. Айбловчи томон унга олий – ўлим жазоси беришни сўрамоқда.

• ФАЛАСТИН маъмурияти раҳбари Ёсир Арофат Урдун дарёси ғарбий соҳилидаги 6,1 фоиз худуд харитасини маъқуллади. Унга кўра Женин, Салфит, Рамаллох, Вифлием, Иерихон, Хеврон худудлари фаластинликлар ихтиёрига ўтади.

## ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

ИСРОИЛ билан Туркиянинг ҳарбий ҳамкорлиги тобора юқори поғонага кўтарилмоқда. Куни кеча икки мамлакат ҳарбийлари Туркиядаги "М-60" русумли 170 танкни таъмирлаш борасида келишиб олдилар. Сал илгарироқ Туркия билан Исроил ўртасида "Ф-4" русумли қирувчи-бомбардимончи тайёраларни замонавийлаштириш бўйича 700 миллион долларлик ҳужжат имзоланган эди.

## САЙЛОВ АНИҚ, НАТИЖА МАВҲУМ

ЭРТАГА Россия Федерациясида президентлик сайловлари бошланади. Давлат бошлиғи курсисини эгаллаш учун 11 номзод даъвогарлик қилмоқда. Улар орасида В. Путин, Г. Зюганов, А. Подберезкин, Э. Памфилова, А. Тулеев, Ю. Скуратов, Г. Явлинский, К. Титов, У. Жабраилов, С. Говорухин, В. Жириновскийларнинг номлари бор.

Сайловлар арафаси турли хил воқеаларга бой бўлди. Жумладан, Е. Савостьянов "Яблоко" раҳбари фойдасига ўз номзодидан воз кечди. Қонунда кўзда тутилмаган ҳатти-ҳаракат қилганлиги, аниқроғи, ҳарбий қисмда ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борганлиги учун Г. Явлинсий устидан суд бошланди. Ўнг кучлар иттифоқи партияси ўз раҳнамосини танлай олмагач, фикрлар иккига бўлинди. ЎКИП вакилларининг 50 фоизи В. Путин номзодини, 50 фоизи эса К. Титов номзодини қўллаб-қувватлаяжаклиги тўғрисида фикр билдирдилар. В. Жириновский ҳам Г. Зюганов ва Г. Явлинскийлар билан мулоқотда бўлиб, ягона номзод танлашга уриниб кўрди. Аммо, бундан бирон-бир натижа чиқмади. Коммунистлар сардори Г. Зюганов сайлов комиссиялари сайлов тугаши билан бизга баённомалар нусхасини беришларини талаб қиламиз, деган фикр билан чиқди. Ҳатто, у баённомалар берилмаса, сайлов участкалари ўраб олинади, деб таҳдид қилди.

Президентлик сайловлари Тожикистон ва Чеченистонда бирмунча вақт илгари бошланди. У жойлардаги ҳарбий қисмларнинг аскарлари айни кунларда деярли овоз бериб бўлдилар. Муҳолифатдаги даъвогарлар бу ҳолатни ҳам "навбатдаги ўйин" деб баҳоладилар. Чунки, уларнинг фикрича, овоз бериш натижалари сохталаштирилган эмиш.

Нима бўлганда ҳам эртага Россия Федерациясининг бутун худудида эрта тонгдан президентликка овоз бериш жараёни бошланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сайловларни Оврупода Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти делегацияси синчковлик билан кузатади. Унинг сафида 23 мамлакат парламентидан 70га яқин вакил бор. Бу ҳақда ОҲҲТ махсус вакили Хелле Дайни гапириб, оврупалик кузатувчилар Россиянинг барча худудларида бўлиб, сайлов жараёнларини кузатади, деди.

Россия президентлигига сайловларнинг қандай натижалар билан якунланишини ҳозирча ҳеч ким айтиб бера олмаётир. Омон бўлсак, кўрамиз. Душанба куни вазият бир қадар ойдинлашиши турган гап. Лекин, бир масалада – шарҳчилар якдил бўлиб турибдилар. Уларнинг фикрича, сайловнинг иккинчи босқичи, албатта, бўлади.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## БИРГАЛАШИБ КУРАШМОҚ ЛОЗИМ

ЎЗБЕКИСТОН пойтахтида Марказий Осиёда трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган икки кунлик халқаро семинар бўлиб ўтди. Анжуман БМТ ташаббуси билан ташкил этилди. Унда Марказий Осиё Республикалари, АҚШ, Буюк Британия, Чехия, Польша, Россия каби давлатлар вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда бир қанча халқаро ташкилотлар мутахассислари ҳам қатнашдилар.

Халқаро жамоатчиликни қаттиқ ташвишга солаётган террорчилик, гиёҳванд моддалар контрабандаси ва транзити, қурол-яроғ савдоси, чегараларни ноқонуний бузиш, уюшган жиноятчилик муаммолари бизнинг минтақамизни ҳам четлаб ўтмади. Шу боис бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш айни пайтда Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг диққат марказида турипти. Семинарда мазкур муаммоларни ечишда манфаатдор давлатлар ўзаро баҳамжиҳат бўлиб, биргаликда курашмоғи лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Мулоқот давомида уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни йўлга қўйиш, суд, прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, уюшган жиноятчилик бўйича ўзаро ахборот алмашиш каби мавзуларда ўқилган маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

